

Бугунги кунни ахборот технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Улар умримизнинг ҳар жабҳасига кириб келди ва ҳаёт тарзимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бу каби технологик янгиланишларни кутубхоначилик соҳасида ҳам қўришимиз мумкин. Хусусан, муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс марказининг фаолияти тубдан янгиланиб, унда бир қатор ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга оширилди. Халқаро тажриба ва кутубхона фойдаланувчиларининг, энг аввало, ёшларнинг эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда, ўқув залларининг ихтисослашуви ва жойлашиши такомиллаштирилди. Махсус электрон кутубхона зали, Мультимедиа зали ташкил этилди ва барча залларда интернет тармоғидан фойдаланиш таъминланди. Миллий кутубхонанинг 600 мингта қайдлар ва 200 мингта турли матнли электрон ресурсларни ўз ичига олган электрон каталоги орқали маълумотларни ички ва узоқ масофадан туриб фойдаланишда тезкор излаш имкониятини таъминловчи кутубхона жараёнларини автоматлаштириш тизими жорий этилди. Етакчи хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, кутубхона ходимларининг малакасини ошириш тизимли равишда йўлга қўйилиб, китобхонларга хизмат кўрсатиш тубдан янгиланди.

Барча соҳаларда ахборотга бўлган талабнинг ортиши ва Миллий кутубхона Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи умумдавлат ахборот-кутубхона муассасаси эканлиги муносабати билан Миллий кутубхона ва барча ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ҳамда соҳа ривожига оид маълумотларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида янги «INFOLIB» — ахборот-кутубхона хабарномаси журнали ташкил қилинди.

Мазкур журнални ташкил этишдан мақсад соҳа мутахассисларини кутубхона ва кутубхоначиликка оид қарор ва меъёрий ҳужжатлар билан атрофлича таништириш, соҳада олиб борилаётган ишлар, илмий ва технологик янгилликлар, мазкур мутахассисликка доир юртимиз ва халқаро жабҳаларда ўтказилаётган конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларини кенг ёритиш, кутубхона фондида сақланаётган нодир ва қўлёзма китоблар, вақтли матбуот нашрлари ва фондга келиб тушаётган янги адабиётлар билан ки-

КИРИШ СЎЗИ ЎРНИДА...

тубхонларни доимий равишда бохабар қилиб боришдан иборатдир. Шунингдек, ўқувчиларни нафақат Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти, балки дунёнинг энг машҳур кутубхоналари иш тажрибалари билан таништириш, уларни изчил ўрганиш натижасида, китобхонларга сифатли ва замонавий хизмат кўрсатишга эришиш ва соҳада учраётган камчиликларни бартараф қилишдир.

Журналнинг мазмун-мундарижасидан соҳага оид илмий, назарий ва методологик аҳамиятга эга бўлган мақолалар билан биргаликда, маданий-маърифий мавзудаги мақолалар ҳам кенг ўрин олиши белгиланган. Журналнинг «Минбар» рукнида Миллий кутубхонанинг чет давлатлар билан йўлга қўйган ҳамкорликлари, дунёга машҳур кутубхоналарнинг мутасадди ходимлари ва кутубхонага ташриф буюрган мартабали меҳмонларнинг журнал ва кутубхона ҳақида билдирган қимматли фикрлари бериб борилади. Журналнинг «Амалиёт» рукнида эса, кутубхонашунослик соҳасининг ўзига хос сир-синоатлари, амалиётда қўлланилаётган турли дастурлар, ахборот-кутубхона ходимлари ва уларга қўйилган устувор вазифалар, замонавий китобхонлар ва уларнинг талаб эҳтиёжлари ўрганилиб битилган мақолалар ўрин олган. Ҳаммага маълумки, кутубхонанинг нуфузи, унинг фондида сақланаётган нодир ва алоҳида қимматга эга қўлёзмаларнинг мавжудлигига қараб белгиланади. Журналнинг «Мерос» рукнида ушбу нашрлар, уларни ўрганиш натижасида олиб борилган тадқиқот ишларидан намуналар ва соҳада самарали меҳнат қилган фидойи кутубхоначилар ҳақидаги ёдномалар ўрин олган. Журналнинг «Ушбу сон меҳмони» саҳифасида эса, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган фан арбоблари, халқимиз ардоғидаги санъат намоёндалари, илм-фан фидойиларининг кутубхона, китоб, маърифат ва бугунги маънавий ҳаётимиз ҳақидаги долзарб мақолалари бериб борилади. Бундан ташқари, журналдан бир-биридан муҳим ва қизиқарли саҳифалар ўрин олган бўлиб, улар журналнинг аҳамиятли ва оммабоп бўлишини таъминлайди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг соғлом ахборот тизимига жалб қилиш мақсадида ташкил қилинган мазкур журнал нафақат соҳа вакиллари учун, балки китобга қизиққан ҳар қандай инсон учун муҳим нашрига айланади деган умиддамиз. ■



Асаджон Ходжаев,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
директори